

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 1.500.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 203 (950)


11

ОКтябрь
ЖУМА
1957 йил

БАҲОСИ
20 ТИЙИН

ТЕРИМЧИ

Навбатдаги сўз Ражаб отага



Суратда: Ражаб ота Йўлдошев.

М. Солихов фотоси.

Теримчи! Сабот, матонат, гайрат, шижоат билан ишлаб грамларни жамловчи, ўн минг, юз минг, миллион тонналарни улкан хирмонларга тўловчи ким? Теримчи. Чебар ва фидокор қизлар, йигитлар меҳнат қилаётган, «оқ олтин» чаманга бурканган поёнсиз далаларга назар ташланг, толас билаларнинг чаққон, ёпичил ҳаракат қилаётганини кўрасиз. Қўллар гўза тупларига бориб келган сари атаклар тўлади. Пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосил эмасми, теримчи унинг бир граммини ҳам чанокда қолдирмайди, ерга тўкилган пахтани ҳас-чўлдан тозалаб атайига солади.

Бугун пахта учун кураш қизгин тус олган бир пайтда майдонда ўз кучини, иродасини синая кўраётган киши вақтини зойи кетказмайди — сўзлари билан от сўрган чавандоздек жадал ҳаракат қилади. Кеча 150 кило пахта терган бўлсанг, бугун шунга яна 15-20 килограмм кўш, шининги, тажрибанинг ёнингиди дугонангга, дўстингга ўргат! Бу, ўлғай теримчилар ширини. Унинг, 2-3 та рекордининг ўзи колхоз, районнинг юқини елкасида юзтариб туролмайди. Кўп пахта терувчилар сафи кенгайган сари совдакаги одимизимиз теялшади. Теримчи ўртоқ, сен нормани ошириб бажармагансан, ёнингиди киши ё нормани бажармагансан, ёки нормага етказибди ўзини чеккага олмоқда. Айт, ҳозир териб олинаётган бойликни кўпчилик яратган, у халқиники, териб олиш ҳам кўпчиликнинг иши!

Республиканинг 3 миллионли хирмонига муносиб ҳисса қўшолмасми, областининг орада қилиб кетаётди. Бу фақатгина пахтакорларни эмас, ҳатто шаҳардаги биродарларимизни — ишчилар, хизматчилар, студентларни ҳам ташвишлантирмоқда. Улар ишчимизнинг орадалигини ташвишланибгина қолмай, колхозчилар билан, совхоз пахтакорлари билан ёна-ёни туриб «оқ олтин» тарабдилар. Ахир шундай қоллар билан умумхалқ ишчилар чегра туриб бўладими.

Теримчилар ёнига янги теримчилар қўшилмоқда. Ўз ишининг устаси бўлган колхоз, совхозлардаги теримчилар шаҳарлардан бўлмастек бораётганларга иш устуларини ўргатишга, пахтачи чаноклардан қандай қилиб тортиб олиш йўллари кўрсатиб беришлар, ҳам пахтачининг терилишига йўл қўймаслик учун кулашлари керак.

Қўлдан баёда ҳосилининг тақдирини меҳнаткорлар ва сўчилаганининг қўлига дер эдик. Бугун-чи, бугун ҳаммаининг кўзи теримчиларга. Совхозчиларни ҳар кун ҳалжон билан қараб чиқар эканмиз, қайси район, қайси совхоз кейинги ўринларда турган бўлса ачинамиз. Агар шунда ердаги теримчиларнинг ҳаммаси ҳам яхши ишласа, раҳбарлар даладаги кишилар тўғрисида раҳбарлар қўлига қўйиб, куз бабаси баданни жунжитаётган бир пайтда аҳолини тўғри тасаввур қилаолса ва шунга ягона иш тўтса, сўраб кўтарилади, пахта кўп терилди ва шунга қараб давлатга қўлаб пахта топширилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область жўрия комитети барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига, шаҳарликларга Макту билан мурожаат қилиди. Шу Мактубда:

— Урток колхозчилар, совхоз ишчилари! Давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши энди фанат сизга, сизнинг фидокорона меҳнатингизга боғлиқ. Терим илғорлари Соҳибхон Ғуломхонова, Саодат Гулаҳмедова, Мунарам Мадалимова, Лазоат Душоева, Зойир Ашуров, Хосият Ашрапова, Баҳри Маллаева ва бошқа кўп минг килограммчиларга тенглашсангиз. Улар кунига 200-300 килограмм ва ундан ҳам кўпроқ пахта термоқдалар. Ҳар бир теримчи теримнинг ҳозирги

ҳал қилувчи даврида хирмонга нимада 100 килограммдан пахта топшириши лозим.

Асосий вазифа мана шундай. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари графикада белгиланган кишиларнинг теримга қатнаштирилари, уларнинг унумли ишлашлари учун маҳаллий-маиший широк яратиб беришлари, айрим теримчиларнинг кўп пахта тарабганига маҳали бўлмай, уларнинг тажрибалирини омалаштиришлари, шу йўл билан колхоз, совхозда, районда ҳар бир кишининг белгиланган нормани ошириб бажаришга эришишлари керак.

Чиноз району йигим-тегим бошланган бери пасти ўринларда қилиб келмоқда. Чинознинг орада қилишга даставвал бу райондаги кўпгина колхозларда теримчиларнинг иши устидан контролик йўқлиги, иккинчидан фидокорона ишлаётган кишилар тўғрисида раҳбарлик қилинмаётганлигидир. Область совдакасида олинган кетайган Оржоникидзе, Пискент, Юкори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районларига бўлган сингари Чинозда ҳам кўп пахта тараб олган кишилар йўқми? Бор албатта. Район партия комитети ҳам, район ижроия комитети ҳам шу хилдаги кўп минг килограммчи теримчилар сафини кенгайтириш соҳасида етарли иш олиб бораётгани устига пахта териш соҳасида гайрат ва маҳорат кўрсатаётган колхозчиларнинг қадрига етиб уларнинг янада яхшироқ ишлаши учун шароит яратиб бераётганлар. Илғорлар тажрибасини омалаштириш тўғрисида кам ўйламоқдалар. Чинознинг ўртоқлар, миллион-миллион кўсаклардаги пахта иш шундай қармайдиган теримчилар териб олади. Шунлар тўғрисида раҳбарлик қилингандагина, уларнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб бериладиганига Чиноз ҳам илғорларга етиб олади.

Биз областимиздаги донлар теримчилари — бўлак Саодат Гулаҳмедова, пискентлик Соҳибхон Ғуломхонова билан ҳақиқ суратда фахрланамиз. Шу меҳнатсеварлар, ўтган йили 30-35 тоннадан пахта териб, партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофотига сазовор бўлган — Социалистик Меҳнат Ҳақмонлари деган фахрли унвон олмагача. Хозирги қизини кунларда ҳам улар минг-хитлаб теримчиларнинг байроқлари бўлмоқдалар. Саодат ҳам, Соҳибхон ҳам кунига ўртача 350-400 килограммдан пахта термоқдалар. Бу чебар теримчиларга Мисраҳуддин, Гулистондан, Янгйўлдан, Бекболаддан янги теримчилар қилиб қўшилмоқда. Улар ҳам шу чебарлардек пахта теримчи, деб ахл қилмоқдалар ва ўз сўзларининг устидан чикши учун гайрат билан курашмоқдалар.

Энг масъулиятли даврида турибмиз. Областимиз октябрь ойида ҳар кун 11-12 минг тоннадан пахта тайёрлаши керак. Шунда йиллик план Улуғ Октябрьнинг шониди 40 йиллик кунига бажарилган бўлади. Тонналар ҳосил қилиш учун минглаб қўллар, минглаб чанокдадаги пахтачиларни териб олиши зарур. Бу кишини теримчилар армияси ҳал қилиди. Теримчилар учун барча зарур шароитларни яратиб берилади. Теримчилар пахтадан даладан ўзидан тортиб олиши уюштириш, хирмонга пахта ташиниш таъминоти, бу — бу соҳада муваффақиятга эришишимизнинг таровидир.

Ҳар бир район ва колхозда, совхозда кўп минг килограммчилар сафини кун сайин кенгайтириш, уларнинг тажрибасини омалаштириш ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчисининг кунига 100 килограммдан пахта теришга эришайлик.

Теримчи ўртоқлар, областимизда 500 минг тонна пахта тайёрлаш вазифасини бажаришда ҳамма вақт олданда бўлайига!

БИР ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННА ТАЙЁР

Бугун республикамиз колхоз ва совхозлари давлат оморларига 1 миллион 500 минг тонна пахта топширдилар. Бу — Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўз ватанпарварлиги бурчларини, мамлакатга уч миллион тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлидаги катта ғалабаларидир. Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги лўнлашаётган шу кунларда йўлга киритилган бу катта муваффақият барча кишиларни кунтирарди.

Аммо республикамиз пойтахт области — Тошкент пахтакорларининг кайинда қолётганлигидан афсусланамиз. Ҳолоқининг сабаби нимада? Бунга турли баҳона сабаблар қидириш ўринсиздир.

Ватанга республикамиз яна бир ярим миллион тонна пахта етказиб бериши керак. Бу вазифани ҳал этишда Тошкент области салмоқли ўрин тутаяди. Республикамизда пахта тайёрлаш сўраётганини кучайиши кўп қилмайдан тошкентликларнинг меҳнатига, жадал ва унумли ишлашига беғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Пахтакор ўртоқлар, пахта тайёрлашда қолоқликни тезда тугатиб илғорларга тенглашиб олиш учун бутун кучини ишга солайлик. Бизнинг меҳнат соҳасидаги эришадиган ғалабаларимиз бутун республикамиз меҳнаткашларининг ватанга уч миллион тонна пахта етказиб бериш ҳақидаги катта ва буюк ишига муносиб ҳисса бўлиб қўйилсин.

Сойликдан гузуллаб бораётган машина юқорига кўтарилганда кўз олдимизда уфқкача чўлиб кетган пахтазор намоён бўлади. Отанинг ерлари бошланган жойда баланд сува, ҳовуз бўлиб унинг атрофида тоғлар экилган. Шифобахш бир жойга келиди. Оппок соқоли кўкранга уриб турган ўрта бўйли. Кўшмишда пинҳан мўйсават билан қўл бериб сўрашди. Ота ҳали тегин, бардам.

— Қалай ишлар ота? — дедик. — Чакки эмас, планин тўғайли. Мама бўёғига ҳам бўш келмаймиш, мўлжалга етмагуча ишни бўшатишмаймиш.

— Кайчадан пахта бердингиз? — Кечаги ҳисобимизга қараганда, 30 центнердан бўлди...

80 ёшга кирган, ўз тили билан айтганда тўрт йигирма йил умр кўрган ва ҳали ҳам меҳнат қилиб қармайдиган мўйсават бошлиқ бўлган битта эвено 30 центнердан ҳосил берибди. Бу — отанинг Ватан хирмонига қўшган кичик ҳиссаси. Шунини айтдики-да:

Топалардан ташкил топар олтин тоғ, Саҳроларни безатгандек гул, япроқ.

— Пахта халқимиз бойлиги, — дейди ота. Омордаги ғалла, қассадиги пул, дангиллама улар, қўша қўша гиламлар. Уйин-қулгининг ҳаммаси ана шу пахтадан. Дастуридаги пахта ҳам, таъмирдаги олов ҳам шу пахта тўғайли. Пахтачининг бир грамми эмас, бир толасининг ҳам қадрига етайлик. Йўлга, ағатга тўкилган бир грамм пахта, чанокда қолган бир чигитни етиштиргуча озмунча меҳнат қилишимиз...

Ҳей, оғайналар бу йил жуда орада қолмайсиз. Районнинг орада қилиш области орада судратиб бўлса, эвено, бригадининг кейинда судратилин колхозни совхознинг охирига тушириб қўймоқда. Ахир ишлайдиган пахта келди, жон ачитайлик. Шу октябрь ойида камроқ дам олсак, камроқ ухласак эртага дард қолмаймиз. Бада анджиклардан келганда қойил қиламиз деб уларда берганлигини унутмайлик. Бизнинг эвеномиз бажаргани билан колхозимиздаги, қолверса райоимиздаги бошқа эвенолар, бригадалар орада қоластганлигига ачинаркансан. Биз 15 гентар ачирмиздан 30 центнердан пахта беришимиз. Ёш-ёш йигитлар бошчилар қилаётган эвенолар бўлса паанларини бажармай

колхозни уалтирайпти. Мен билан баҳорда колхозимиздаги икки-уч эвено бошлиғи мўсбақалашамиз, қани ким ютиб чиқар экан дейишган эди. Уша вақтда мен йигитларнинг қўлини ушлаб, ҳимматларини гинга бади, беллаганимиз бўлсин деган эдим. Мама ҳозир ҳосил тағозига тушайтганда ўша оғайналаримиз жуда орада қилиб кетишайпти. Мўсбақа деган бунақа бўлмайди, мажбурият олдинги, шининги дўндр, О. Исломов, П. Исломов ўртоқлар бу билан мўсбақадор. Ўшнинг қараганда улар паанларини ҳали 20 процентга ҳам етказишмабди. Вақт кўтиб ўтмайди, кузнинг илгирини бабаси келиб қолди, отни қамчилимаганимиз эрта-кидан аттанг деб қоласиз.

Ота бирдан тўхтаб, алланимани уйлаган бўлиб, планин топиб олди шекилли давом этди.

— Шу йил баҳорда чигит экилиб бўлган пахта колхозимизга мўсбақадор Оқдўрғон райониди Тельман номи колхозининг ороқли пахтакорини, Социалистик Меҳнат Ҳақмонлари Мамабой Қўлошев келди. Биз уни қўлимиздан келгача кўтиб олдик, даламизни кўрсатдик, масалаҳат сўрадик. Шунда гап қўзғолди Мамабой билан мўсбақа берладиган бўлди. Мен ҳозир Мамабойнинг бригадаси қанчадан пахта берганлигини, паан қанчага етганлигини билмайман. Орамиз унча узоқ бўлмаса ҳам иш билан бўлиб бир-биримиздан хабар ололмайсиз. Мен йўлайман Мама Қўлошевнинг бригадаси олдига бўлса таасталарда ёнлариди, радиога тапирлариди, орадакорқа ўхшайди, ҳеч дами чиқмайпти.

Мамабой, биз мўлжаллаган даводдан ошдик, сизнинг аҳолиларингиз қалай, соғ-саломат бормисиз, ҳозирча қанча пахта бердингиз, хабарлашиб турайлик...

Ражаб ота шу гапларни айтганда унинг ёнига ёшгина йигит келиб бир нима деди. Ота биз томон ўнгилди:

— Кечагидан 200 кило ортқ топширибмиз... Ҳаракатин бундан кейин ҳам бўшаптирмайсиз, бизга бахт берган Октябрнинг 40 йиллиги гектаридан 50 центнерданни совға қилиб борамиш.

Бу, отанинг юрак сўзлари эди.

Амал ПУЛАТ.
Бука райониди «Ленин йўли» колхоз.

Область районларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 1957 йил 10 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Масум бошлана бери	Районлар	Бир кунлик ўсиш	Масум бошлана бери
Бўстонлиқ	2,60	60,11	Гулистон	2,11	37,22
Оржоникидзе	2,41	49,85	Сирдарё	2,08	36,83
Пискент	1,86	46,14	Мирзачўл	1,85	36,19
Ўрта Чирчиқ	2,17	45,10	Оқдўрғон	1,78	36,19
Юкори Чирчиқ	2,27	44,32	Янгйўл	2,14	35,21
Бекбоёб	2,08	40,04	Октябрь	1,69	33,10
Ўртасарой	2,26	39,67	Чиноз	2,04	31,49
Бука	1,76	39,40	Бойбўт	1,60	31,44
Оҳангарон	2,45	39,00	Калинин	1,71	28,52
Верхне-волжск	2,07	37,57	Қуй Чирчиқ	2,20	20,69

Сут тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахбороти

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XX съезди қарорларини бажариш учун курашиб ва Улуғ Октябр социалистик революциясининг 40 йиллиги шарофига социалистик мўсбақани авж олтириб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар ҳамда сут тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини умуман СССР бўйича 1 октябргача, яъни муддатидан уч ой илгари бажардилар. Шу йилнинг тўғрисида ой ичида давлатга 17.359 минг тонна сут топширилди ва сотилди. Бу аса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2.664 минг тонна ортқидир, ҳамда бутун 1953 йил мобайнида тайёрланган ва харид қилинган сут миқдорига нисбатан 6.713 минг тонна ёки 63 процент ортқидир. Давлатга сут топшириш ва сотиш давом етмоқда.

Украина, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония, Молдавия, Ўзбекистон, Туркменистон ва Тажикистон иттифоқчи республикалари, шунингдек РСФСРнинг ҳудуддаги автоном республикалари, ўлкалари ва областлари: Москва, Калининград, Ленинград, Калуж, Краснодар, Ўлғаси, Владимир, Иваново, Калуга, Белгород, Тула, Рязань, Воронеж, Ярославль, Орел, Новгород, Курск, Липецк, Ростов, Кострома, Сахалин ва Камчатка областлари, Бурят-Мугулустон, Кабарда-Балкар, Шимоллий Осетия, Удмуртиястон ва Коми АССР сут тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

Сут тайёрлаш ва харид қилиш планининг муваффақиятини бажарилишда колхоз ва совхозларда сут етиштиришни ўтган йилнинг тегинли давридагига нисбатан анча кўпайтириш натижасида эришилди.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100

гектарига ҳисоблаганда сут етиштириш жиҳатидан 1957 йилнинг 9 ойи мобайнида қўйидаги област ва республикаларнинг колхоз ҳамда совхозлари иттифоқчи кўрсаткичларга эришдилар: Москва области — 256 центнер, Калининград области — 204 центнер, Ленинград области — 199 центнер, Латвия ССР — 169 центнер, Эстония ССР — 152 центнер, Украина ССР — 135 центнер, шу жумладан, Черновий области — 181 центнер, Харьков области — 177 центнер, Черкасс области — 173 центнер, Киев области — 168 центнер, Днепротровский области — 156 центнер, Полтава области — 151 центнер ва Одесса области — 135 центнер; Молдавия ССР — 119 центнер; Краснодар ўлкаси — 117 центнер, Владимир области — 117 центнер, Иваново области — 110 центнер, Калуга области — 105 центнер, Белгород области — 105 центнер, Тула области — 102 центнер, Рязань области — 101 центнер, Воронеж области — 100 центнер, Ярославль области — 99 центнер; Белоруссия ССР — 84 центнер ва Литва ССР — 84 центнер.

Бу йил сут тайёрлаш ва харид қилишнинг кўпайтирилганлиги мамлакатнинг сут саноати корхоналарида шу йилнинг тўғрисида ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 68 минг тонна ортқ ҳамда бутун 1953 йилдагига нисбатан 163 минг тонна ёки 44 процент ортқ мол ёни ишлаб чиқариш имконини берди. Аҳолига сут, ёр, пишлоқ ва сут маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан анча кўпроқ сотилди, бу аса мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ахшилаш учун катта аҳамиятга эга.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва Тошкент область Халқ хўжалиги кенгашига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эфр қонидиш билан таъкидлайдиларки, Тошкент области колхозларининг меҳнаткашлари КПСС XX съездининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга оширабериб, 8 октябрда давлатга қаноп ва жут поёси топшириш планини 100,9 процент бажардилар.

Юкори Чирчиқ райониди луб экинлари экувчи «Политотдел» колхоз давлат планини 183,1 процент, Свердлов номи колхоз 175 процент, Қуй Чирчиқ райониди Димитров номи колхоз 131,3 процент бажариб, энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Областга луб экинлари экувчи колхозларнинг меҳнаткашлари Улуғ Октябр социалистик революциясининг 40 йиллигини давлатга қўшимча равишда 20

минг тонна қаноп ва жут топшириш билан нишонлаш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областининг колхозларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет ва комсомол ҳолимлари ҳамда барча меҳнаткашларини қаноп ва жут поёси топшириш давлат планиларини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклийдилар ва улар луб экинларининг ҳамма ҳосилини териб олиб давлатга топшириш мажбуриятини бажардилар. 1953 йилги ҳосил учун ерларни шулғор қилдирилган ҳамда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятларни қўлга киритадилар деб ишонч билдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони Тошкент областидаги колхоз ва совхозларнинг энг яхши теримчиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш тўғрисида

1957 йилги пахта ҳосилини териб олиш юзасидан социалистик меҳнаткашда яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин:

БУКА РАЙОНИ БУЙИЧА

1. Раҳима Алимова — Бука қишлоқ советидаги Ленин номи колхозининг теримчиси. У 7100 килограмм пахта терган.

2. Қўвайда Ортиқова — Бука қишлоқ советидаги Ленин номи колхозининг теримчиси. У 7050 килограмм пахта терган.

3. Мариям Абдураҳмонова — Қорақўй қишлоқ советидаги «Партия XIX съезди» колхозининг теримчиси. У 7015 килограмм пахта терган.

4. Мухтарам Очилова — Бука қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг теримчиси. У 7200 килограмм пахта терган.

5. Бибиқул Олпоберганава — 6-сон «Кўкорол» совхозининг теримчиси. У 7100 килограмм пахта терган.

6. Турсун Бағамова — Бука қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг теримчиси. У 7100 килограмм пахта терган.

7. Саодат Гулаҳмедова — Бука қишлоқ советидаги Хрушчев номи колхозининг теримчиси. У 11 минг килограмм пахта терган.

8. Салагул Данишова — 6-сон «Кўкорол» совхозининг теримчиси. У 7113 килограмм пахта терган.

9. Тохир Жумаева — Ленин қишлоқ советидаги Мичурин номи колхозининг теримчиси. У 7400 килограмм пахта терган.

10. Тожикна Жураева — Қорақўй қишлоқ советидаги «Партия XX съезди» колхозининг теримчиси. У 7483 килограмм пахта терган.

11. Қамбал Қодиров — Қорақўй қишлоқ советидаги «Партия XIX съезди» колхозининг теримчиси. У 7120 килограмм пахта терган.

12. Дурис Навибетова — 6-сон «Кўкорол» совхозининг теримчиси. У 7100 килограмм пахта терган.

13. Зулайхо Маннонова — Қорақўй қишлоқ советидаги Вильямс номи колхозининг теримчиси. У 7243 килограмм пахта терган.

14. Рихис Махмудова — Бука қишлоқ советидаги Ленин номи колхозининг теримчиси. У 7600 килограмм пахта терган.

15. Зулҳара Муртозова — Киров қишлоқ советидаги «Октябрь» йилидаги колхозининг теримчиси. У 7150 килограмм пахта терган.

16. Холмўмин Санатов — Қорақўй қишлоқ советидаги «Партия XIX съезди» колхозининг теримчиси. У 7400 килограмм пахта терган.

17. Алоат Сиддиқова — Қорақўй қишлоқ советидаги «Партия XIX съезди» колхозининг теримчиси. У 7150 килограмм пахта терган.

18. Қўми Тўлаева — Оқтепа қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозининг теримчиси. У 7100 килограмм пахта терган.

19. Улғусун Тошимова — 6-сон «Кўкорол» совхозининг теримчиси. У 7050 килограмм пахта терган.

20. Анор Урозбекова — Бука қишлоқ советидаги Сталин номи колхозининг теримчиси. У 7150 килограмм пахта терган.

21. Фотиҳа Хамраева — Қорақўй қишлоқ советидаги Вильямс номи колхозининг теримчиси. У 7142 килограмм пахта терган.

22. Ортипа Холдирова — Бука қишлоқ советидаги Ленин номи колхозининг теримчиси. У 7220 килограмм пахта

Луб экинлари ҳосилини кўпайтириш соҳасидаги ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун

Область колхозлари қаноп ва жут тайёрлаш давлат планини 8 октябрда, мундарида илгари 100,9 процентга етказиб бажардилар. Ушбу йилнинг шу мундарида қаноп ва жут тайёрлаш бўлимида 12600 тонна қаноп ва жут тайёрланди. Тайёрланган маҳсулотнинг 88 проценти қўқ ҳолида шилинган маҳсулот сифатида қабул қилинди. Давлатга топширилган маҳсулотнинг 97,4 проценти ушбу тода берувчи сотлан ҳисобланади. Колхозлар ҳосилини йилнинг охирида ва ушбу давлатга топшириш ишлари давом эттирилмоқда.

Республикадаги луб экинлари 90 проценти Тошкент областида тайёрланади. Колхозларнинг қаноп ва жут тайёрлаш ишларида янада мустаҳкамлаш учун бу беш йилдан бошлаб ўсирилмоқда. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникаси ва илгори агро-техника фани ютуқлари билан қаноп ва жут тайёрлаш ишларида янада мустаҳкамлаш учун бу беш йилдан бошлаб ўсирилмоқда. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникаси ва илгори агро-техника фани ютуқлари билан қаноп ва жут тайёрлаш ишларида янада мустаҳкамлаш учун бу беш йилдан бошлаб ўсирилмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ирва» колхозда етиштирилган қаноп ва жут ҳосилининг дарили бажариш далаининг ўртача қўқ ҳолида қайта шилинди. Бу колхозда 20 га яқин ИПП-9 машиналари ишлаб турди. Колхоз аъзолари давлатга жут топшириш планини 137 процент, қаноп топшириш планини эса 135 процентга етказиб бажардилар. Илгори ҳосилининг бўлимида ҳисобга олиб, давлат планини 170 процентга етказиб адо этиш учун курашмоқдалар.

Бошқа қўқина колхозларда ҳам қаноп ва жут экинларидан ана шундай юқори ҳосил олинди. Колхозлар бу муваффақиятларга шунинг учун ҳам эришмоқдаларки, барча хўжаликда ери ишлаш усуллари агро-техника мундарида ўзгарилади. Илгори колхозлар луб экинларини парвариш қилишда ҳозирги замон қишлоқ хўжалик фани ютуқларини кенг қўллади. экиннинг нормал қилинида бўлишига эришиб, шунингдек қишлоқ хўжалик зарарку-назалари қарини курашини кучайтириб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Колхозчилар етиштирилган қаноп ва жут ҳосилининг унинг қўқ ҳолида шилиш ахши натижалар беришини тўғри тушуниб етгандар. Бу, давлатга ҳам, колхозга ҳам катта фойда келтирди.

Бирок кўпчилик колхозларда қаноп ва жут ҳосилини қайта ишлаш учун машиналар етиштирилади. Шундай қилинчилик пайтларида «Ташхил»

Юқори Чирчиқ райони социалистик мажбуриятини ошириб бажарди

АНГИБОЗОР (телефон орқали олинди). Юқори Чирчиқ районининг колхозлари қаноп ва жут ҳосили тайёрлаш йиллик планини бажарганларда, яна 11 минг тонна луб экинлари маҳсулоти етказиб берилди, деб ўз иминаларида қўқимча мажбурият олган эдилар.

Ушбу Октябр байрамининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш

15 октябрь, сешанба кунин Тошкентда пахтачиллик бўйича бирлашган илмий сессия ўз ишларини бошлади.

Сессия ишларида мамлакатимизнинг барча пахта экинчи республикадаги олимлар, мутахассислар, пахта ва совет ҳодимлари, шунингдек СССР Фанлар академиясининг мутахассислари, СССР Қишлоқ хўжалик министри, Бутуниттифок қишлоқ хўжалик Фанлар академияси ва Москва, Ленинграддаги бир қатор илмий-техник шўъраси мутахассисларининг ҳамда чет элдан пахта экинчи мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари иштирок этишди.

Ташкилот комитети сессия программаси ва иш тартибини тасдиқлади. 15, 16 ва 22 октябрда бўлидан яна мажлисларда 13 доклад тингланган ва муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР пахтачилиги тараққийоти перспективалари ва қишлоқ хўжалиги фанларининг назорат қилиш ва таъқиблари Министрлар Советининг Раиси С. Б. Камолдов доклад қилди. Ана шу темада Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг вакиллари ҳам доклад қилдилар.

«Сугорилиб пахта экинлиги» районларида ер ишлари системаси деган темада Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри М. В. Мухаммаджонов доклад қилди. СССР ва чет мамлакатларда пахта етиштиришнинг илгори усуллари СССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Д. Р. Рауловнинг докладыда ёритиб берилди.

Бутуниттифок Қишлоқ хўжалиги академияси (ВАСХНИЛ)нинг академиги А. П. Аскоковнинг «Пахтакор районларида сугорилиб пахта етиштиришнинг асосий масалалари», ВАСХНИЛ академиги С. С. Қанаев

«Қаноп» заводи (директори Ўртоқ Синаги) инженер-техник ҳодимлари, ишчилари ёрдамида келди. Бу завод колхозларга қўқимча қаноп тайёрлаб бериб, натижада қаноп ва жут ҳосилини жадал суръатлар қайта ишлаш имконияти туғилди.

Агарда 1950 йилда қаноп ва жут ҳосили қўқ ҳолида шилиниш 100 процент деб ҳисобланса, 1952 йилда жами ҳосилининг 600 проценти, 1957 йилда эса 4365 проценти қўқ ҳолида қайта ишланди.

Областимизда давлатга қаноп ва жут ҳосили топшириш планини ошириб бажаришдаги колхозлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Буни колхозларнинг йиллик шартнома, меҳнатни ташкил қилиш ишлари, социалистик мусобақани ҳар тарафлама кучайтириб юбориш ҳал қилувчи роль ўйнади. Аммо ҳали областимизда давлат планини бажармаган колхозлар йўқ эмас. Юқори Чирчиқ районидаги Ворошилов номи, Куйбишев номи, Жданов номи, Карл Маркс номи, «Социализм», Қўй Чирчиқ районидаги «Янги турмуш», «Қизил шарқ», «Путь к коммунизму», Карл Маркс номи, Хрущев номи колхозлар оғда қолиб келмоқдалар. Бу колхозларнинг илгори хўжаликлар қаторига етказиб олиш район партия, совет ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Юқорида номлари қай қилиб қилган колхозлар ҳам 1-2 йил ичида илгори колхозлар қаторига етказиб олишга, луб экинлари етиштириш билан шуғулланувчи районлар, экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳам қаноп ва жут ҳосилини кескин кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

Луб экинлари етиштириш билан шуғулланиб келаятган колхозларда йўқ қўқимчадан энг катта камчиликлардан бири, қаноп уруғи ишлаб-чиқаришга етарли эътибор берилмаётганидир. Кейинги бир неча йиллар давомида колхозлар уруғ тайёрлаш планини бажармаётганлар, баъзи бир хўжаликлар эса ҳатто ўзларини таъминлаш учун етарли уруғ етиштириш олмаётганлар. Бу камчиликларни тугатишга луб экинлари ҳосили етиштириш ишларида катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳал қилинган бўлар эди.

Хўраса қилиб шунинг айтиш керакки, областимизнинг қаноп ва жут экинлари етиштириш билан шуғулланувчи районлари еришган муваффақиятлари мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар, қолган ҳосилининг бир қисmini ҳам ноубуд қилмасдан тезда ўриб-Йиғиб олиб, ўз вақтида давлатга топширишлари керак.

А. НОРМУХАМЕДОВ,

Тошкент Халқ хўжалик кенгашининг пахта ва луб экинларида дастлабки қайта ишлаш бошқармасининг бошлиғи.

Пахтакор ўртоқлар! Пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширайлик!

Суръатга-суръат қўшаётганлар

(Газетхонлар хатига обзир)

Областимизнинг далаларида ҳаёт қайнамоқда. Қайси Октябрнинг 40 йиллиги байрамини меҳнатда муносабат билан кутиб олиш ҳисси билан тўлиб-тошган илгори хўжаликларнинг аъзолари ғанимат кунларининг қадрига етиб, хирмонларини «оқ олтинга» тўлдирмоқдалар. Шаҳарлик меҳнаткашлар, студентлар, мактаб ўқувчиларининг самийи ёрдамида таъиниб, суръатга-суръат қўшаётган илгори бригада, энг аъзоларининг меҳнатда эришган ютуқлари қимми дувонтирмайди дейсиз. Булар ҳақида ҳар кун редакциямизга қўлаб хат ва хабарлар келиб турибди.

Оқўрғон районидаги «Свобода» колхозчида 13-ўринда борапти. Лекин бу районда суръатни кучайтира бериб, давлатга ҳар кунини йиллик планининг 2-2,5 проценти миқдорида пахта топшираётган колхозлар, бригадалар йўқ эмас. «Тельман» номи, Сталин номи, Ворошилов номи, Жданов номи колхозларининг аъзолари октябрнинг ҳар бир кунини ушбу фойдаланмоқдалар, — деб ёзилади П. Зогашев, М. Ойдинов, Т. Тунгаторов, Н. Собиров, Т. Отакулов, Т. Уринбоев ўртоқлар. — Хосилини йиғиб-териб олишда астойдил кўмаклашадиган пахтакор меҳнаткашлар, ўқувчи ва студентларнинг меҳнати ҳам самарали бўлаётган.

Тельман номи колхозининг ўртоқ Т. Умаров бошлиқ бригада аъзолари 92 гектар ернинг ҳар гектаридан қановда 35 центнердан ҳосил топширишга эҳд қилганлар. Бригада аъзолари ўз аҳдларининг уласидан қилиб учун курашиб, кунига 5-6 тоннадан пахта тайёрлаб, графикни ортири билан адо этаётганлар.

Бойвот районидаги «Коммунизм» ўртасарой районидаги Сталин номи, «Северный мак» Октябр районидаги «Коммунизм», Сталин номи, «Сталинчи», Бўқа районидаги Мичурин номи қишлоқ хўжалик артеллари аъзоларининг фидокорона меҳнати, ҳосилини йиғиб-териб олиш соҳасидаги ишлари тўғрисида ҳикоя қилган Н. Шербенов, К. Ахметов, Р. Ёқубжонов, М. Нисанов, Г. Зиновьев, Б. Борисов, Х. Убайдуллаев, Д. Хелматов, Т. Умурзоков, Т. Жўрабоев ўртоқларнинг хабар беришича, юқорида номлари кўрсатилган колхозларнинг кўпчилиги бригадаларида йиғим-терим ишлари партия ва ҳукуматимизнинг 1957 йил пахта ҳосилини йиғиб олиш ва тайёрлаш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилган.

Бир гуруҳ газетхонларнинг хатлари Бекобод районидаги колхоз ва совхозларнинг кўпчилиги килограммчи чевар теримчиларига бағишланган. Жумладан Ж. Сафаров, У. Шодибоев, Я. Ҳасанов, А. Эхсанов, С. Мухамедов, К. Ҳамзаев ўртоқларнинг хатларини қўлдан кечирайлик. Бу ўртоқларнинг ёзишга қараганда, 1 ва 2-«Далварзин» совхозлари ва Навоий номи колхозининг кўпчилиги килограммчи теримчилари Т. Бобоева Ж. Тронува, М. Исоқова, К. Қўзиёлов кунига 150-250 килограммдан пахта тераётганлар ва бу

билан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига муносабат ҳисса қўшаётганлар. Бу хўжаликлардаги бошқа қўқина теримчилар ҳам ана шу илгоридадан ўрнак олиб, уларнинг иш таърибасини кенг қўллаиб, давлатга қўқ ва отбор сорт пахта териш учун ҳаракат қилаётганлар.

Ғулистонлик С. Сидиқов, Б. Маъруфов ўртоқлар қўқиналарни ёздилар: Хрущев номи колхозининг қайсибир бригадасига борманг, пахта йиғим-терим қилишга юборилганлигини кўриб қувонасиз. Колхозчилар 470 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш учун барча таъбирларни амалга ошираётганлар. Колхозининг коммунист М. Тўраев ва Т. Доғиёров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бу иш айниқса қизибди. Юқоридаги бригадаларда ҳар кунини йиллик планининг 2,5-3 проценти миқдорида пахта тайёрланапти. Сентябрь ойи графигини ортири билан бажариб, мавсум бошидан буюн илгори сариқдан жой олиб келаятган бу колхоз аъзолари эришган ютуқлар ҳақиқатан ҳам мақтовга эга.

Мирзачўл районидаги «Ленин» «Коммуна», Ворошилов номи, Охунбоев номи, Калиния районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги Охунбоев номи, Верхне-волдинск районидаги «Социализм» совхозда ҳамда Свердлов номи колхозда пахта йиғим-терим соҳасидаги ишлар пухта уюштирилган. Колхозчилар, совхоз ишчиларининг бутун диққат-эътибори, — дейилад шунлар ҳақида бизга хат ёзиб юборган газетхонлардан А. Қўчаров, Г. Ғаниев, Ж. Шонқулов, А. Султонов, Т. Ўйлов, Б. Собираторов ўртоқлар, — етиштирилган ҳосилини ўз вақтида сира ноубуд қилмай, йиғиб-териб олишга қаратилган. Бу хўжаликларда меҳнат динимиз мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг пахта теришда қатнашаётган жамоатчилик вакиллариининг ушбу ишларини учун барча шароитлар яратиб берилган.

Колхоз ва совхозларнинг пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётган шаҳарликлар, ўқувчи ва студентларнинг ёрдами тўғрисида ҳам редакциямизга жуда кўп хатлар келаяпти. Бу хатларини очиб ўқиган киши пахтакорларга ёрдам бераётган шаҳарлик бирорларни орасида колхозчиларга тенглашиб, қўқ пахта тераётган чевар теримчилар ҳам кўп эканлигини билиб олади. Газетхонлардан Р. Отакулов, Б. Ҳанимов, М. Жўрабоев, А. Жалолов, С. Зокоров, Г. Мингазова, Т. Холмуродов, Т. Аноркулов, Х. Охуноев ўртоқларнинг номи ёзилган конвертларини очганимизда Чиноз, Ховос, Янгийўл, Ғулистон, Октябр, Ўрта Чирчиқ районларидаги мактаб ўқувчилари ҳамда шу районларга қўқиб пахта тераётган пахтачиларнинг шу кеча-кундузлари ишлари тўғрисида ҳикоя қилганлиги фактлар борилигини кўридик.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛГОРЛАРИ



Шаҳардан колхозларга ёрдамга борган кишилар колхозчилар билан ёнма-ён туриб пахта теримда қатнашаётганлар. Колхозчиларнинг илгори теримчилари уларга ўз таърибларини ўргатаётганлар. М. Шокирова ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номи колхозда пахта териб, ҳар кунини нормани Янгийўл районидаги «ХИХ партсез» колхозининг теримчиси ўртоқ Холишова Хорунова кунига 220-230 килограммдан пахта тераётган. Оржоникидзе районидаги Сталин номи колхозининг аъзоси У. Мансурова ҳам шу кунларда меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Ўртоқ Мансурова ҳар кунини 200 килограммдан ошириб пахта топширишда.

И. Глауберзон, В. Сироткин ва М. Шевелев фотолари

Саодатга тенглашиш учун курашмоқдалар

Бўқалик чевар теримчи Саодат Гулаҳмедова сингари қўқ ва юқори сифатли пахта теримини орау қилаётган, шу мақсадга эришиш учун астойдил курашаётган юзлаб, минглаб теримчиларнинг номи ҳаммага маълум. Ана шундай чевар теримчилар Саодат сингари қўқ пахта териш билан бирга, ўзи социалистик мусобақатга қақираётганларки, бундай ватанпарвар теримчилар сонининг кўпайиши қувонарлидир.

Ғулистон районидаги Хрущев номи колхозининг илгори теримчиси ўртоқ Ф. Калашева қўқиналарини ёздилар: «Мен мавсумда 25 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим. Республика ёшлари селети қатнашадиган кўпчилиги килограммчилар сафиди кенгайтириш тўғрисида қақирғи менинг ғайратимга-ғайрат қўйиб. Мен биринчи кунларда қўқиб пахта тера бошладим. Шундай пайтда бўқалик уста теримчи Саодатнинг кўнига 350-400 килограммдан, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тераётганини тўғрисидаги хабарини эшитганимда мен ҳам шундай ишлаганга жазм қилдим. Ҳозирги пайтда мақсадимга еришаётган. Кейинги кунларда хирмонга 350-360 килограммдан пахта топшириб туришман. Бундан кейин ҳам шундай ишлайман. Демак, мен 25 тонна эмас, мавсумда 35 тонна пахта теришга кучим етарли. Шунинг учун Саодатни мусобақатга қақираман».

Ғулистон районидаги бошқа колхозларда ҳам қўқ ва юқори сифатли пахта териш ҳаракати кун сайин қизиган тус олаётган.

М. АБДУРАИМОВ.

Ташкилий ишлардаги камчиликлар тугатилсин

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг коллективни пахта териш мақсадидан йилдан-йилга кенг миқёсда фойдаланиб ахши натижаларга еришаётган. Ушбу йил совхоз ҳосилининг қарийб 40 проценти машина билан териб олинди. Жумаев, Кучиев, Жўрабоев, Юнусов сингари илгори меҳнатчи-ҳайдовчилар фидокорона меҳнат қилиб, мавсумда 53-55 тоннадан пахта териб бердилар. Бунинг натижасида йиғим-терим ишлари барвақт тугалланди.

Совхоз дирекцияси бу йил 2100 гектар ердаги ёки йиллик планга бўлган 400 процентга ахши пахтаини машина билан икки марта териб олиш керак. Бунинг учун 55 та машина пахта теришга ажратилган. Пахтаини машина билан тераётган участкалар ажратилиб, планасидан кўпроқ ердаги қўқина ортирилган.

Илгори меҳнатчи-ҳайдовчилар ўз агрегатларини теримга пухта тайёрладилар. Машиналарнинг бекор турмаслигини учун зарур тайёргарлик қўйилди. Биринчи бўлимининг меҳнатчи-ҳайдовчилардан К. Мурзоев билан К. Нуралиев ўртоқлар мавсумда 60 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олиб мусобақалашмоқдалар. Улар теримнинг дастлабки кунларидан ахши натижаларга эришдилар. Ҳозир улар 1,8-2 тоннадан ошириб пахта тераётмоқдалар.

Масалан, ўртоқ Алиев бошлиқ бригада 1 октябрда 60 тонна пахта териб графикни бажара олди. Машинада пахта теришга киришганидан сўнг эса бригада 40 процентга етказиб пахта топширишга муваффақ бўлди.

Лекин шунинг айтиш керакки, совхоз дирекцияси ўз зиммасига олган катта мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун пухта тайёргарлик қўйган. Совхоз директори ўртоқ С. Бочкаревнинг сўзига қараганда 51 та машина ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилган. Аммо кўпчилик машина далаларда бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси ишламайди. Тегишча чиқариладиган 34 машинадан фақат 15 таси ишлаб, 55 тоннагина пахта терилди. Баҳоқилин, машина билан ҳар кунини 66 тонна пахта териш керак эди.

Совхоз бонд инженери ўртоқ Б. Малчев ва колхоз меҳнатчилари машиналарнинг сифатли ремонт қилинишига бепарволик билан қараганлар. Моторлар ва шиналар

Моҳир механизатор

Октябр районидаги Пахта МТСнинг механизатори Бобоев Узаировиям танимайди дейсиз. Бу моҳир механизатор ўтган йили СХМ-1,2 машинаси билан 94 тонна пахта териб, райондаги эмас, балки областимизда ҳам дон таратган эди. Узаировиям машинада пахта териш ишига бу йил ҳам пухта тайёргарлик қўлди. Ўз агрегатини сифатли етказиб ремонтдан чиқариб, ишга тахт қилди.

Киров номи колхозда хизмат қи-

яшми соғалмаган. Пахтакор чопоқларда қўлаб қолиб кетмоқда, ерга тўқилаётган. Меҳнаткашлар нормал ишламаганидан пахта жуда инфос қилиб тераётган. 2-бўлимда хизмат қилаётган меҳнатчи-ҳайдовчи ўртоқ Мадоров ишлаган 50-машина оғ миқдорда пахта териб олинди. 1-бўлимдаги 12 машинанинг бири ишласа, иккинчиси бузилди. Шунинг учун ҳам иш унуви жуда паст. Ҳар био машина билан ўртача 800 килограммдан пахта тераётган. А. Шеранов, Турсунов, Бекниязов сингари меҳнатчи-ҳайдовчилар аўғга 600-700 килограммдан пахта тераётганлар.

Совхоз дирекцияси таърибасиз меҳнатчи-ҳайдовчиларга етарли ғамхўрлик қилмаган. Улардан хабар олсин, камчиликларини кўрсатиш, умуман уларнинг ахши ишлар кўп пахта тераишлари учун қудай шароит яратиб берилмаган.

Ғулистоннинг баргачи-ёшларининг муҳим ишга масъулиятини билан қаралган. Дорилаш сифатига ўзгаришдан ғулаларнинг баргачи халитига тўқилмаган. Иккинчи бўлимда Алиев бригадасининг 8 гектар ердаги қўқина иккинчи қайта дориланиши зарур. Самолеёт бўлмаганидан дориланмай қolib кетди. Малчевов, Чилганов ўртоқлар бошлиқ бригадаларга қарата 50 гектар ердаги қўқина ҳам ахши дориланганидан машинанинг нормал ишлашига имкон бераётган.

Совхоз дирекцияси машина билан тераётган пахтаини далаининг ўртача тахт қилишнинг ҳолиқарисини ташкил қилган. Биронта ҳам бўлимда шолча йўқ, тераётган пахта ерга тўқилди. Оқибатда пахта хас-қўлга аралашиб, тупроқда жуда инфосланди. Таров етишмаганидан пахта тахминан Ғулачилан. Совхозлар бонд бошқармаси ҳам ўз вазифасини бажармади, ҳатто буйруқда ёзилган 3 минг метр шолча, 10 та таров ва ҳоказоларни ҳанузгача юборганини йўқ.

«Малик» совхозини машина билан пахта териш планини сўзсиз бажариш керак. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Совхоз дирекцияси, бондларнинг партия ташкилоти ташкилий ишлардаги юз берган камчиликларини дарҳол тугатиб, ҳар био машинадан ушбу фойдаланиш лозим.

Ш. КУЗАНБОВЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Катта илмий ишлар плани

Пахтачиллик юзасидан бўладиган бирлашган илмий сессиясининг очилишига доир

кўриш натижалари», «Қизил ровот» совхозини иш таърибларидан, «Ўрта Осе» республикаларида йўқинача селекцияси ва уруғчилиги» каби докладлар кенг муҳокамага қўйилди.

«Тупроқини қилиш ва ўсимликлар парвариш ишлари» секциясида 13 доклад қўйилган. Улардан 6 таси Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон республикаларида қишлоқчиларнинг еришгани бағишланган. «Тупроқини асосий ва экинликлари олинган ишлар системаси», «Тожикистон ССРда пахтадан юқори ҳосил олиш агро-техникаси» каби докладлар ана шунлар жумлаландилар.

«Сугорилиш ва мелiorация» секциясида қирилган 17 доклад орасида «Кларат-уялаб экинликлари пахта сугорилиш режими ва сугорилиш ташкили етиш», «Чет эл мелiorация техникаси таърибасидан», «Мирзачўлда мелiorация комплексини кураши асослари», «Ўрта Осе пахтакор районларида очик ва ғилик дренаждан фойдаланиш», «Ўрта Осе районидаги экинларини сувий ёмғир ёғдириб сугорилиш таърибаси», «Ўрта тун қилиниги ва сугорилиш режими», «Ихота дархотларлари ва уларнинг пахта ҳосилдорлигини оширишга таъсири» каби докладлар бор.

«Гидротехника» секциясида «Сугорилиш системасини реконструкция қилиш методлари ва уларни эксплу-

атация қилишнинг ахшилаш йўллари», «Ерости сувларидан сугорилиш фойдаланиш», «Янги сугорилиш системасига ўтиш юзасидан олиб бораётган ишларнинг натижаси ва перспективаси», «Сув хўжалиги ишларини комплекс механизациялаш», «Сугорилиш системаларини автоматлаштириш ва телемеханизациялаш» сингари 16 доклад қирилди.

«Пахтаини қишлоқ хўжалик зараркунадаларидан сақлаш» секциясида 17 доклад бор. Уларнинг энг муҳимлари қўқиналар: «Қишлоқ хўжалиги зараркунадаларига қарши кураш биологик методидида янги йўналишнинг ривожланиши учун назарий асослар», «Зараркунадаларига қарши курашда қайта фойда берадиган янги препаратлар», «Ўрта зараркунадаларига қарши курашда авиациядан фойдаланиш», «Мамлакатимизда гербицидларнинг таъсирини аниқлаш юзасидан олиб бораётган илмий таъқиқотлар ва бегона ўтларга қарши чет элларда олиб бораётган химик кураш натижалари».

«Пахтачиллик механизациялаш ва электрфикациялаш» секциясида қўқинаган 18 докладдан қўқиналарни кўрсатиб ўтиш мумкин. «Мирзачўлда янги ўзлаштирилган ерларда пахтачиллик комплекс механизацияси учун машиналар системаси», «Андижон районидаги Сталин номи колхозда пахтачилликнинг комплекс механизациясини «Сугориланган пахта майдонларида ҳайдов тракторларининг типлари», «Пахтаини механизация ёрдами би-

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида. 1957 йил 10 октябргача бўлган

М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсти	Мавсум бошидан бери	Совхозлар	Бир кунлик ўсти	Мавсум бошидан бери
8-«Қўқорол»	2,65	73,49	2-«Оҳангарон»	3,00	35,40
3-«Оҳангарон»	2,67	50,67	1-«Оҳангарон»	1,32	33,33
4-«Вреский»	1,66	44,79	«Оқўрғон»	1,64	33,09
«Пискент»	1,75	43,06	«Мирзачўл»	1,32	31,42
Киров номи	2,08	41,69	«Малик»	2,45	30,54
«Чаноқ»	1,91	40,81	1-«Бойвот»	1,75	28,40
1-«Далварзин»	2,47	39,34	«Ғулистон»	1,26	28,21
«Социализм»	1,58	38,87	ЎзССР беш йилгидан	2,20	26,69
2-«Далварзин»	1,90	37,33	3-«Бойвот»	1,35	25,27
1-«Фарҳод»	0,97	36,88	Булғарин номи	1,62	24,46
«Дружба»	1,15	35,70	Бушув номи	1,19	22,58

